

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШБОЕВ БЕКЗОД БАХТИЁРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИМПОРТ ҶРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

УДК: 658:3301.1:33М(575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам

Contents of dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD)
in economics sciences

Тошбоев Бекзод Бахтиёрович

Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш-
нинг назарий асосларини такомиллаштириш 3

Тошбоев Бекзод Бахтиёрович

Совершенствование теоретических основ развития импортозамещающего
производства в Узбекистане 31

Toshboev Bekzod Bakhtiyorovich

Improving the theoretical foundations of the development of import-substituting
production in Uzbekistan..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 67

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШБОЕВ БЕКЗОД БАХТИЁРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИМПОРТ ҶРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

«DAVR MATBUOT SAVDO» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
100198, Тошкент, Қўйлик, 4-мавзе, 46.

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt557 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziyoue» ахборот-таълим порталида (www.ziyoue.com) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Сатторқулов Обидкул Турдиқулович**
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Расулев Алишер Файзиёвич**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Ҳасанов Рустам Раббимович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент молия институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.I.16.03 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-72; e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

С.К.Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Д.Ҳажиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

Автореферат «Iqtisod-Moliya» нашриётида таҳрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босишга рухсат этилди: 12.01.2023

Бичими: 60x84 1/8 «Times New Roman»

гарнитурада рақамли босма усулда босилди.

Шартли босма табағи 4,2. Адади: 100. Буюртма: № 6.

international scientific online conference. Decenber 31, 2022 woconf.com, 82-102 pages

13. Toshboyev B.B. Sources and reserves of import substitution drinking production in Uzbekistan //Academic research in modern sciece. USA international scientific online conference. Decenber 31, 2022, 163-181 pages.

14. Toshboyev B.B. Theoretical aspects of industrial development based on import substitute production //Eurasian journal of law, finance and applied sciences. Decenber 31, 2022 www.in-academy.uz, 378-393 pages

II бўлим (II часть; II part)

15. Тошбоев Б.Б. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга асосланган саноат сиёсатини амалга оширишнинг назарий жиҳатлари // Иқтисодиётда инновациялар журнали, 12-сон 2020 йил.

16. Тошбоев Б.Б. Проблемы развития цифровой экономики в Узбекистане // Тренды, риски и угрозы цифровой трансформации экономики, Научное электронное издание, Минск Международный университет “МИТСО”.

17. Тошбоев Б.Б. Ўзбекистон Республикасида технопаркларнинг шаклланиши жараёни ва унинг ўзига хос жиҳатлари // Олий таълим сифати иқтисодий диагностикаси: жаҳон амалиёти ва миллий хусусиятлар Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, Наманган 3-4 май 2019 йил.

18. Тошбоев Б.Б. Ўзбекистонда кластерлар фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари // “Агро-илм” журнали. -Т.:2019 йил. №3(59) 107-109 б.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кенгайиб, халқаро рақобат кескинлашиб бораётган шароитда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган саноат сиёсатининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. UNCTAD маълумотларига кўра, “кейинги беш йил давомида дунё ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиздан ортиқ қисмини ишлаб чиқарувчи қарийб 80 дан ортиқ мамлакатлар томонидан саноатни ривожлантириш борасида истиқболли стратегиялар ишлаб чиқилган ва бугунги кунда улардан амалда кенг фойдаланиб келинмоқда”¹. Ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган саноат сиёсатининг янги авлоди ўз олдига қўйилган мақсадларнинг хилма-хиллиги ва фавқулодда мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради. Жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий инқироз шароитида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва глобаллашувнинг жадаллашуви шароитида ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олиш, дунёда саноатлаштириш сиёсатининг янги босқичга қадам қўйиши, мамлакатларнинг барқарор ривожланиш мақсадларига интилишлари бу борадаги ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Жаҳонда кучайиб бораётган глобал рақобатга жавобан миллий иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш тадқиқига йўналтирилган илмий изланишлар ўз аҳамиятини намоён этмоқда. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида маҳаллийлаштириш дастурларини самарали амалга ошириш, импорт жараёнларини тартибга солиш орқали асосий макроиқтисодий нисбатлар ва мувозанатни таъминлаш, “яшил технологиялар”ни изчил жорий қилиш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашиш орқали миллий ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришда рақамли ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш каби масалаларни тадқиқ этиш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш асосида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” асарида “юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш”² вазибалари белгилаб берилган. Мазкур вазибаларнинг самарали амалга оширилиши муайян тармоқдаги

¹https://unctad.org/system/files/official-document/aldc2020d2_ru.pdf

²Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси.-Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021.464 бет.

импорт ўрнини босувчи лойихани амалга оширишнинг муҳимлик даражасини баҳолаш, юқори сифатли ва нисбатан арзон хомашё, бутловчи қисмлар ва бошқа ёрдамчи материалларнинг кичик маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилишига асосланган ихтисослашган саноат кооперациясини ташкил этиш орқали импорт ўрнини босувчи йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг рақобатбардошлигини ошириш, худуддаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида соф экспортнинг мақбул даражаларини таъминлаган корхоналар фаолиятини кредитлашда маҳаллий ҳокимият томонидан рағбатлантириш чораларини қўллаш, тармоқларнинг импорт ўрнини босиш жиҳатдан иқтисодий салоҳиятнинг турли вариантлари асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг узок муддатли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сон “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги, 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сон “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертацион тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва шу асосда миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммосининг долзарблигига қарамай, мазкур муаммо атрофлича ўрганилмаган. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш асосида мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг баъзи бир жиҳатлари Ж.М.Кейнс, Ж.Итуелл, Р.Пребиш каби хорижлик

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Toshboyev B.B. Development import substitute production in Uzbekistan// Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини инновацион ривожлантириш. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Гулистон 17-18 апрел 2015 йил.

2. Тошбоев Б.Б. Развитие инновационной деятельности на современных предприятиях в условиях модернизации экономики// Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини инновацион ривожлантириш. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Гулистон 17-18 апрел 2015 йил.

3. Тошбоев Б.Б. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш шароитида миллий иқтисодиётда импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос шарт-шароитлари // Иқтисодиёт ва таълим, 2019 йил 4-сон.

4. Toshboev B. Theoretical aspects of industrial policy implementation on the basis of import substitution production // Journal of Management Value & Ethics, RNI –MPENG/2011/46472 , ISSN: 2249-9512, October special Issue. 20 Vol. 10 No. 04 (INDIA)

5. Тошбоев Б.Б. Мамлакат саноатида импорт ўрнини босувчи ва маҳаллийлаштиришга асосланган иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг устуворликлари // XI Форум экономистов Стратегическое планирование-важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов, Ташкент-2019

6. Toshboev B.B. Implementation of industrialization policies in Uzbekistan at the modern stage of economic reforms // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 10, 2020, ISSN: 1475-7192

7. Тошбоев Б.Б. Иқтисодий ислохотларнинг hozirgi boskichiда Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсатини амалга ошириш // Иқтисодиёт ва таълим журнали, 3-сон 2019 йил.

8. Тошбоев Б.Б. Ўзбекистонда технопарклар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари // Иқтисодиёт ва таълим журнали, 2-сон 2019 йил.

9. Toshboev B.B. Sources and Resources of Import Reproduction Industry // MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN, VOLUME 11 April 2021

10. Toshboev B.B. Mechanisms of import substitution policy in the region // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 12, December 2021 SJIF 2021 = 7.492

11. Toshboyev B.B. Sources and reserves of import substitution drinking production in Uzbekistan //Academic research in modern sciece. USA international scientific online conference. December 31, 2022, 163-181 pages.

12. Toshboyev B.B. Theoretical aspects of industrial development based on import substitute production //Models and methods in modern sciece. French

economy of Uzbekistan in terms of import substitution by the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan (reference number 02/21-2/10-5627 Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of November 11, 2022). The introduction of this scientific proposal into practice has made it possible to reduce unemployment in the country to 1%, increase the real incomes of the population as a whole by 3.5-5.0%, reduce the number of migrant workers to 300 thousand. The creation of new jobs directly served to strengthen the country's position in the field of foreign economic security.

Approbation of the results of the study. The results of the study are presented and tested in the form of reports at more than 4 republican and international scientific and practical conferences.

Publication of the research results. In total, 18 scientific papers have been published on the topic of the dissertation, including 6 articles in scientific publications, including 4 in republican and 2 in foreign journals, in which the main scientific results of doctoral dissertations of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan are recommended for publication.

The structure and scope of the dissertation. The content of the dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion, a list of references and appendices. The volume of the dissertation was 150 pages.

олимларнинг илмий асарларида ўз аксини топган³. Мазкур иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга асосланган саноат сиёсати ва шу асосда миллий хўжаликда иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари таркиб топган бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари нуктаи назаридан қараб чиқилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, собиқ Иттифоқ таркибига кирган Республикаларда бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва жараёнлар бир-бирига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Россия Федерациясининг ўтиш даври иқтисодиёти борасида тўхталадиган бўлсак, импорт ўрнини босиш масалалари Л.И.Абалкин асарларида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш⁴, С.Д.Бодрунов Россия Федерациясига нисбатан иқтисодий санкцияларни қўллаш шароити⁵, А.П.Киреев мамлакат ташқи савдо шароитларини яхшилаш⁶, П.А.Кадочников 1998 йилдан кейинги мамлакатдаги иқтисодий вазият шарт-шароитлари⁷, Т.М.Исаченко Европа Иттифоқининг савдо сиёсати⁸, А.П.Терехова саноат корхоналарининг рақобатбардошлиги, Н.А.Сучкова мамлакатнинг озиқ-овқат сектори, О.В.Старовойтова кичик очиқ иқтисодиёт шароити нуктаи назаридан қараб чиқилган⁹. Шу билан бир қаторда, К.А.Гулин, Е.А.Мазиллов, А.П.Ермоловлар импорт ўрнини босишни худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини кучайтириш воситаси сифатида баҳолашса¹⁰, В.К.Фальцман¹¹ янги геосиёсий вазиятда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалаларини кўриб чиқади, О.Б.Березинская ва А.Л.Ведев Россия саноатининг ишлаб чиқариш жиҳатдан импортга боғлиқлигига эътибор қаратса¹², Е.В.Волкова ўз тадқиқотларида импорт ўрнини босишни мамлакатнинг жаҳон иқтисодий

³ Бодрунов С.Д. Теория и практика импортозамещения: уроки и проблемы / монография / С.Д. Бодрунов. – СПб.: ИНИР им. С.Ю. Витте, 2015. – 171 с.; Итуэлл Дж. Импортозамещающий и экспортоориентированный экономический рост // Экономическая теория / Под ред. Дж. Итуэлла. – М.: Инфра-М, 2004. – С. 430-433.; Henry J. Bruton. ImportSubstitution // Handbook of Development Economics. — 1989. — Т. II. — С. 1603.; Пребиш Р. Периферийный капитализм: есть ли альтернатива? — М.: ИЛА, 1992. — 337 с. (Capitalism periferico. Crisis y transformacion, 1981)

⁴ Россия: поиск самоопределения: = Russia in search for identity: Очерки / Леонид Абалкин; Рос. акад. наук. — М.: Наука, 2002 (ППП Тип. Наука). — 424, [4] с.

⁵ Бодрунов С.Д. Теория и практика импортозамещения: уроки и проблемы / монография / С.Д. Бодрунов. – СПб.: ИНИР им. С.Ю. Витте, 2015. – 171 с.

⁶ Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. 4.1. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. - М.: Международные отношения, 1997. - 416 с.

⁷ Кадочников П. А. Влияние импортозамещения на процессы экономического роста в переходной экономике / Дисс... канд. экон. наук. - М., 2005. - 230 с. - <http://economy-lib.com/vliyanie-impertozaimescheniya-na-protsessy-ekonomicheskogo-rosta-v-perehodnoy-ekonomike>

⁸ Т.М. Исаченко. Внешнеторговая политика ЕС: основные инструменты и направления развития. М, МГИМО, 2003.

⁹ Старовойтова О.В. Импортозамещение в условиях малой открытой экономики: автореф. дис. канд. экон. наук / О.В. Старовойтова. – Минск: Белорусский гос. экон. ун-т, 2011.

¹⁰ Гулин К.А., Мазиллов Е.А., Ермолов А.П. Импортозамещение как инструмент активизации социально-экономического развития территорий // Проблемы развития территорий. 2015. № 3 (77). С.7-25.

¹¹ Фальцман В. К. Форсирование импортозамещения в новой геополитической обстановке // Проблемы прогнозирования. - М., 2015. - № 1. - С. 22-32.

¹² О. Березинская, А. Ведев Производственная зависимость российской промышленности от импорта и механизм стратегического импортозамещения. // Вопросы экономики. 2015. № 1. С. 103—115.

муносабатлари тизимига интеграциялашуви нуктаи назаридан кўриб чиқади¹³.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларидан Х.П.Абулқосимов, А.В.Ваҳобов, Т.Т.Жўраев, А.А.Ўлмасов, А.В.Ваҳобов, С.В.Чепель¹⁴, Р.Р.Хасанов, Ш.Г.Юлдашев, Ф.Т.Эгамбердиев¹⁵, У.А.Мадрахимов¹⁶, Г.Н.Махмудова¹⁷, Р.А.Сайтмуратов¹⁸, М.А.Маматов¹⁹ ва бошқаларнинг мазкур соҳага дахлдор илмий-тадқиқот ишларини келтириш мумкин.

Шу билан бирга, ўрганилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, импорт ўрнини босиш хусусияти, уни таснифлаш белгилари ва ўтиш даври иқтисодиётидаги рағбатлантириш механизмлари каби масалалар ҳал этилмаган ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини яхшилаш бўйича кўплаб таклифлар ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, импорт ўрнини босувчи саноатни ташкиллаштириш шартлари, устуворликлари ва механизмлари, умуман ўтиш иқтисодиёти шароитлари тўлиқ ва чуқур ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот иши Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий амалий ва услубий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

¹³ Волкова Е.В., Жабин А.П., Негонова Н.А. Развитие инструментов импортозамещения в современных условиях ведения бизнеса в промышленности Российской Федерации//Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 8, №2 (2016) <http://naukovedenie.ru/PDF/90EUVN216.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ. DOI: 10.15862/90EUVN216

¹⁴Чепель, С. В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана: монография. — Ташкент: IFMR, 2014. — 316 с

¹⁵ Абулкасимов Х.П., Расулов Т.С. Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и среднего Востока -Т.: «ТашГИВ», 2017.- 380с., Вахобов А.В., Хожибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.-Т.: «Молия», 2010 -Б.153.,Жўраев Т.Т. «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланма «Фан ва технология». 2017. Б. 478.,Ўлмасов А.А., Вахобов А.В., «Иқтисодиёт назарияси» Дарслик «Иқтисод-Молия». 2014 -456 б.

¹⁶Вахобов А.В. “Жаҳон амалиётида инновацион ривожланиш таъриби ва уни Ўзбекистонда қўллашнинг айрим жиҳатлари” “Иқтисод ва молия” журнали –Т.:2016.№11.-Б. 2-10., Чепель С.В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана. –Т.: Издательство IFMR 2014. - 316 с., Юлдашев Г.Ш. «Иностранные инвестиции как фактор экономического роста и либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан». Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук.,-Ташкент 2001.;Обломуратов Н.Н. «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари» Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати).-Тошкент. 2008.; Мадрахимов У.А. «Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини ошириш йўллари» иқтисод фанлари доктори (Dsc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати).-Тошкент. 2017

¹⁷https://www.researchgate.net/publication/336746713_Strukturnye_preobrazovania_v_usloviah_modernizacii_eko_nomiki_Uzbekistana

¹⁸Сейтмуратов, Р. А. Приоритетные направления модернизации экономики в условиях углубления экономических реформ: Автореф. дис. на соискание ученой степени докт. экон. наук. — Т.: 2012.

¹⁹Маматов М.А. “Инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш сифатига таъсирини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.-Т.2019.

Implementation of the research results. Based on the developed scientific, practical and methodological proposals for improving the theoretical foundations of the development of import-substituting production:

the degree of importance of implementing an import substitution project in a particular industry is determined by the regularity of demand in production for industries (RD=0.09), the availability of raw materials (RM=0.17), the degree of dependence on imported goods (DI=0.13) and volume (VI=0.15), the availability of the necessary infrastructure (NI=0.21), and also the basis of the proposal is the definition of an import-substituting product in the sectors of the economy through the corresponding values of the level of demand (DL = 0.25) was used by the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan in the development of the “Program for the development of import-substituting production and localization” (reference number 02/21-2/10-5627 Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of November 11 2022). As a result of the introduction of this scientific proposal into practice, it was found that an increase in the gross value added of industry (together with construction) in the republic by 1 unit can lead to an increase in gross value added by 2.53 units, which will allow organizing industrial production of the country based on the model “Industry 4.0”;

high-quality and relatively inexpensive raw materials, a proposal to increase the competitiveness of large import-substituting enterprises by creating a specialized industrial cooperative based on the supply of components and other auxiliary materials by small domestic manufacturers, It was used by the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan in the development of the “Program for the development of import-substituting production and localization” (reference number 02/21-2/10-5627 Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of November 11, 2022). The introduction of this scientific proposal into practice made it possible to evaluate the effectiveness of industrial enterprises that use the practice of import substitution.

the proposal to stimulate import-substituting production through a system of differentiated guarantees in the amount of 50-75 percent when crediting the activities of enterprises in accordance with the degree of achievement of high positive values of this indicator based on the establishment of optimal levels of net exports in the activities of small businesses in the territory is presented by the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan within the framework of the program used in the development of the “program for the development of import-substituting production and localization” (reference by number 02/21-2/10-5627 Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of November 11, 2022). The introduction of this scientific proposal into practice made it possible to use the model and algorithm of import-substituting industrialization at the regional level, eliminate inequalities in the sustainable development of regions and increase the gross regional product to 3-5 percent;

From the forecast indicators of production development until 2026 based on various variants of the state of the economic potential of the sectors of the

of the necessary infrastructure (NI=0.21), as well as in the basis of the supply is the definition of an import-substituting product in the sectors of the economy through the corresponding values of the demand level (DL = 0.25).

a proposal has been developed to increase the competitiveness of the activities of large import-substituting manufacturing enterprises by organizing specialized industrial cooperation based on the supply of high-quality and relatively inexpensive raw materials, components and other auxiliary materials by small domestic manufacturers;

based on the establishment of optimal levels of net exports in the activities of small businesses in the region in accordance with the degree of achievement of high positive values of this indicator, the local authorities put forward a proposal to stimulate import-substituting production through a system of differentiated guarantees in the amount of 50-75 percent when crediting the activities of enterprises;

Based on various variants of the state of the economic potential of the sectors of the economy of Uzbekistan in terms of import substitution, forecast indicators of production development until 2026 have been developed.

The reliability of the research results is explained by the expediency of the approaches and methods used in it, the use of monographic analysis and statistical database from official sources, the use of modern econometric methods and purposeful analysis of empirical results, the implementation of relevant conclusions and proposals by responsible organizations.

Scientific and practical significance of the research results. The scientific validity of the research results is explained by the fact that the developed theoretical provisions (the proposed scenario for the implementation of the classification of economic growth, tax policy and foreign trade policy based on the development of import-substituting production) can be used to supplement the theoretical and methodological foundations of import-substituting economic growth, some scientific provisions on localization and stimulation (adoption of a flexible type of modernization, the identified reserves of increasing the competitiveness of national producers, etc.) import-substituting economic growth, overcoming the problems of the decline of national production in a crisis and enriching domestic economic science with new ideas and views.

The practical significance of the research results is due to the fact that in the future they can be used in the development of programs to stimulate import-substituting industrial production (choosing the optimal type of import-substituting economic growth, modernization and diversification of industries, improving the mechanisms of import-substituting economic growth), the formation of an organizational and economic mechanism for the implementation of industrial policy, expressed in the implementation of the strategy of organizing import-substituting industries based on the development of knowledge-intensive and high-tech sectors of the national economy as a factor in increasing the competitiveness of national economy sectors.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иктисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш хусусиятларини тизимлаштириш;

импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий иқтисодий белгиларини ажратиб олиш;

импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш;

импорт ўрнини босувчи тармоқларида саноатни диверсификация қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

мамлакат ишлаб чиқаришининг импорт ўрнини босувчи имкониятларини кўриб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб миллий иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнларида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик ва эконометрик таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, таснифлаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, такқослама таҳлил ва ўзаро киёслаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муайян тармоқдаги импорт ўрнини босувчи лойиҳани амалга оширишнинг муҳимлиги даражасини саноат тармоқлари учун ишлаб чиқаришдаги талабнинг мунтазамлиги (ТМ=0,09), хомашё ресурслари мавжудлиги (ХР=0,17), четдан импорт қилинадиган товарларга боғлиқлик даражаси (ИБ=0,13) ва ҳажми (ИХ=0,15), зарур инфратузилма мавжудлиги (ИМ=0,21) ҳамда иқтисодиёт тармоқларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотга талаб даражаси (ТД=0,25)нинг тегишли кийматлари орқали аниқлаш таклифи асосланган.

юқори сифатли ва нисбатан арзон хомашё, бутловчи қисмлар ва бошқа ёрдамчи материалларнинг кичик маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилишига асосланган ихтисослашган саноат кооперациясини ташкил этиш орқали импорт ўрнини босувчи йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти рақобатбардошлигини ошириш таклифи ишлаб чиқилган;

худуддаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги соф экспортнинг мақбул даражаларини белгилаш асосида мазкур кўрсаткичнинг юқори ижобий кийматларига эришиш даражасига кўра корхоналар фаолиятини кредитлашда маҳаллий ҳокимият томонидан 50-75 фоиз миқдоридаги табақалашган кафолатлаш тизими орқали импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни рағбатлантириш таклифи асосланган;

Ўзбекистон иқтисодиётидаги тармоқларнинг импорт ўрнини босиш жиҳатдан иқтисодий салоҳиятнинг турли ҳолат вариантлари асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлиллар ва статистик маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, замонавий эконометрик усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил этилганлиги, тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий қоидалар (импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга асосланган иқтисодий ўсишни таснифлаш, солиқ сиёсати ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш учун таклиф қилинган сценарий)дан импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсишнинг назарий ва услубий асосларини тўлдириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсишни рағбатлантириш (модернизациялашнинг мослашувчан турини қабул қилиш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг аниқланган захиралари ва бошқалар) масалаларига бағишланган баъзи илмий қоидалар инқироз шароитида миллий ишлаб чиқаришнинг пасайиши муаммоларини енгиб ўтиш ва маҳаллий иқтисодий фанни янгича фикр ҳамда қарашлар билан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти истиқболда импорт ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқаришни рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш (импорт ўрнини босадиган иқтисодий ўсишнинг мақбул турини танлаш, саноат тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш, импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсиш механизмларини такомиллаштириш)да, миллий иқтисодиёт саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш омили сифатида фан сиғимли ва юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш асосида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш стратегиясини амалга оширишда ифодаланувчи саноат сиёсатини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий ва услубий таклифлар асосида:

муайян тармоқдаги импорт ўрнини босувчи лойиҳани амалга оширишнинг муҳимлиги даражасини саноат тармоқлари учун ишлаб чиқаришдаги талабнинг мунтазамлиги ($TM=0,09$), хомашё ресурслари мавжудлиги ($XP=0,17$), четдан импорт қилинадиган товарларга боғлиқлик даражаси ($ИБ=0,13$) ва ҳажми ($ИХ=0,15$), зарур инфратузилма мавжудлиги ($ИМ=0,21$) ҳамда иқтисодиёт тармоқларида импорт ўрнини босувчи

Among Uzbek scientists and economists, one can name H.P.Abulkasimov, A.V.Vakhobov, T.T.Juraev, A.A.Ulmasov, A.V.Vakhobov, S.V.Chepel, R.Khasanov, Sh.G.Yuldashev, F.T.Egamberdiev, U.A.Madrahimov, G.N.Makhmudova, R.A.Saitmuratov, M.A.Mamatov and others.

At the same time, the analysis of the studied works shows that issues such as the nature of import substitution, signs of its classification and incentive mechanisms in the transition economy remain unresolved, and many proposals to improve the economic development of the country still remain debatable. In addition, the conditions, priorities and mechanisms of the organization of the import-substituting industry in the conditions of the transition economy as a whole have not been fully and deeply studied.

Connection of the dissertation research with the plans of the research work of the higher educational institution in which the dissertation is performed. The dissertation research work was carried out within the framework of a scientific project on the topic “Priority directions of ensuring macroeconomic stability in the national economy in the context of globalization” in accordance with the plan of research work of Gulistan State University.

The purpose of the research is to develop scientific, practical and methodological proposals for improving the theoretical foundations of the development of import-substituting production.

Research objectives:

systematization of the features of the development of import-substituting production at the present stage of economic reforms;

identification of the main economic signs of the development of import-substituting production;

identification of the main directions of industry diversification in import-substituting industries;

consideration of import-substituting opportunities of domestic production and determination of directions of their effective use;

study of the world experience in the development of import-substituting production;

Development of an economic growth model based on the organization of import-substituting industrial production in Uzbekistan.

The object of the research is the processes of production development in the national economy.

The object of the research is the socio-economic relations arising in the process of development of import-substituting production in the national economy.

Research methods. The research uses such methods as statistical and econometric analysis, generalization, grouping, classification, economic and mathematical models, comparative analysis and cross-comparison.

The scientific novelty of the research is as follows:

the degree of importance of implementing an import substitution project in a particular industry is determined by the regularity of demand in production for industries ($RD=0.09$), the availability of raw materials ($RM=0.17$), the degree of dependence on imported goods ($DI=0.13$) and volume ($VI=0.15$), the availability

Strategy of Uzbekistan for 2022-2026”, dated February 7, 2017 No. UP-4947 “On the Strategy of Actions for the further Development of the Republic of Uzbekistan”, resolutions dated May 1, 2019 No. PP-4302 “On measures for further development of industrial cooperation and expansion of production of demanded products”, dated August 24, 2019 No. PP-4426 “On further increasing the responsibility of state and economic management bodies and local executive authorities for the introduction of a new system of localization of production and acceleration of cooperative ties in industries”, dated January 24, 2022 PP-99 “On measures to create an effective system for the development of production and expansion of industrial cooperation in the republic”, dated August 21, 2020 G. PP-4812 “On additional measures to support domestic producers” The President of the Republic of Uzbekistan and other regulatory legal acts related to this area.

Compliance of research with priority directions of development of science and technology of the Republic. This dissertation research was carried out in accordance with the priority direction of the development of science and technology of the Republic I. "Spiritual, moral and cultural development of a democratic and legal society, the formation of an innovative economy."

Scientific scrutiny of the issue. Despite the urgency of the problem of organizing import-substituting production and ensuring economic growth in the national economy on this basis, this problem has not been fully studied. Some aspects of ensuring economic growth in the country on the basis of the organization of import-substituting industries have been reflected in the scientific works of such foreign scientists as J.M.Keynes, J.Ithwell, R. Prebish. The scientific works of these economic scientists consider the issues of industrial policy based on the organization of import-substituting industries, and the market economy, which is based on the issues of ensuring economic growth in the National economy.

It should be particularly noted that the economic reforms and processes carried out today in the former Soviet republics are in many ways similar to each other. Proceeding from this, concerning the transitional economy of the Russian Federation, import substitution issues are considered in the works of L.I.Abalkin from the point of view of stimulating economic growth, S.D.Bodrunov from the point of view of the conditions for the application of economic sanctions against the Russian Federation, A.P.Kireev from the point of view of improving the country's foreign trade conditions, P.A.Kadochnikov from the point of view of the conditions of the economic situation in the country after 1998, T.M.Isachenko from the point of view of the EU trade policy, A.P.Terekhova from the point of view of the conditions of competitiveness of industrial enterprises, N.A.Suchkova from the point of view of the country's food sector, O.V.Starovoitova from the point of view of the conditions of a small open economy. As an alternative, while K.A.Gulin, E.A.Mazilov, A.P.Ermolov assess import substitution as a means of strengthening the socio-economic development of regions, V.K.Faltsman considers the organization of import-substituting production in the new geopolitical situation, O.B.Berezinskaya and A.L.Vedev pay attention to the production dependence of Russian industry on imports, E.V.Volkodavova in her research considers import substitution as a means of a system of relationships.

маҳсулотга талаб даражаси (ТД=0,25)нинг тегишли қийматлари орқали аниқлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 11 ноябрь 02/21-2/10 5627-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида саноат (қурилиш билан биргаликда) ялпи қўшилган қийматининг 1 бирликка ўсиши республикада ялпи қўшилган қийматнинг 2,53 бирликка ўсишига олиб келиши мумкинлиги аниқланиб, мамлакат саноат ишлаб чиқаришини “Саноат 4.0” модели асосида ташкил қилиш имкони яратилган;

юқори сифатли ва нисбатан арзон хомашё, бутловчи қисмлар ва бошқа ёрдамчи материалларнинг кичик маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилишига асосланган ихтисослашган саноат кооперациясини ташкил этиш орқали импорт ўрнини босувчи йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг рақобатбардошлигини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 11 ноябрь 02/21-2/10-5627-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида импорт ўрнини босиш амалиёти қўлланилаётган саноат корхоналарининг самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

худуддаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги соф экспортнинг мақбул даражаларини белгилаш асосида мазкур кўрсаткичнинг юқори ижобий қийматларига эришиш даражасига кўра корхоналар фаолиятини кредитлашда маҳаллий ҳокимият томонидан 50-75 фоиз микдоридаги табақалашган кофолатлаш тизими орқали импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни рағбатлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 11 ноябрь 02/21-2/10-5627-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида худуд даражасида импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш модели ва алгоритмидан фойдаланиш, худудларни барқарор ривожлантиришдаги нотекисликларни бартараф этиш ва ялпи худудий маҳсулотни 3-5 фоизгача ошириш имконини берган;

Ўзбекистон иқтисодиётидаги тармоқларнинг импорт ўрнини босиш жиҳатдан иқтисодий салоҳиятнинг турли ҳолат вариантлари асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг 2026 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва

камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 11 ноябрь 02/21-2/10-5627-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатда ишсизликни 1 фоизгача қисқартириш, умумий ҳолатда аҳоли реал даромадларини 3,5-5,0 фоизга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳисобига меҳнат мухожирлари сонини 300 минг нафаргача камайтириш имконини берган, мамлакатнинг ташқи иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги мавқеини мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 150 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари”** деб номланувчи биринчи бобида импорт ўрнини босувчи кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг назарий жиҳатлари, импорт ўрнини босишга асосланган иқтисодий ўсиш турларининг услубий асослари, ишлаб чиқаришда импорт ўрнини босувчи механизмни қўллашнинг жаҳон тажрибаси илмий асосланган.

Илмий манбаларда импорт ўрнини босишни бир мунча кенг тушунтирилади, “импорт ўрнини босиш – бу импортни мамлакат ичида ишлаб чиқарилган товарлар билан алмаштиришни ифодалайди. Одатда,

INTRODUCTION (abstract to the doctoral dissertation)

The relevance and necessity of the topic of the dissertation. In the context of the expansion of globalization processes in the world and the aggravation of international competition, the importance of industrial policy aimed at ensuring the competitiveness of the national economy is increasing. According to UNCTAD, “over the next five years, promising industrial development strategies have been developed by almost 80 countries that produce more than 90 percent of the world's gross domestic product, and today they are widely used in practice.” The new generation of industrial policy being developed and implemented is distinguished by the diversity and extreme complexity of the goals set. The driving force in this direction is to stimulate economic growth in the context of the global economic crisis and prevent a decline in production in the context of accelerating globalization, reaching a new level of industrialization policy in the world, the desire of countries to achieve Sustainable Development Goals.

In response to the growing global competition in the world, scientific research aimed at studying the development of import-substituting production in the national economy is demonstrating its importance. Modernization and diversification of import-substituting production, effective implementation of localization programs in leading sectors of the economy, ensuring the main macroeconomic proportions and balance by regulating import processes, ensuring the competitiveness of national production through the consistent introduction of “green technologies” and combating climate change, research on issues such as the digital economy and the effective use of innovative technologies in the development of import-substituting production, They are the priority areas of scientific research in this area.

Special attention in Uzbekistan is paid to the issues of deepening structural changes based on the development and liberalization of the economy, increasing its competitiveness through modernization and diversification of the leading sectors of the national economy. The new strategy of Uzbekistan defines the tasks of “further modernization and diversification of industry by transferring high-tech processing industries, first of all, to a qualitatively new level aimed at accelerated development of production of finished products with high added value based on deep processing of local raw materials.” Effective implementation of these tasks will make it possible to assess the importance of implementing an import-substituting project in a specific industry, increase the competitiveness of large import-substituting manufacturing enterprises by creating specialized industrial cooperation based on the supply of high-quality and relatively inexpensive raw materials, components and other auxiliary materials by small domestic producers, the use of incentive measures by local authorities when crediting enterprises, provided with optimal levels of net exports in the activities of small businesses in the region, requires scientific research aimed at developing long-term forecast indicators of production development based on various options for the state of the economic potential of industries in terms of import substitution.

This dissertation research to a certain extent serves to implement the tasks defined by decrees dated January 28, 2022 No. UP-60 “On the new Development

The subject of this dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan is registered under the number B2018.1.PhD/Iqt557.

The dissertation was completed at Gulistan State University.

The abstract of the dissertation is published in three languages (Uzbek, Russian, English (summary)) on the web page of the Academic Council (www.nuu.uz) and on the information and educational portal "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Scientific advisor: **Sattorkulov Obidkul Turdikulovich**
Candidate of Economics, Associate Professor

Official opponents: **Rasulev Alisher Fayzievich**
Doctor of Economics, Professor

Hasanov Rustam Rabbimovich
Doctor of Economics, Professor

Leading organization: **Tashkent Financial Institute**

The dissertation defense will take place "___" _____ 2023, at ___ : ___ at the meeting of the Academic Council for Awarding Academic Degrees in Economic Sciences DSc.03/30.01.2021.I.16.03 at the Tashkent State University of Economics. Address: 49 Islam Karimov str., Tashkent, 100174. tel. (71) 239-28-72, (71) 239-28-72, fax: (71) 239-28-72, e-mail: tseu@tseu.uz

The dissertation work can be found in the information resource center of the Tashkent State University of Economics (registered under the number _____). Address: 49 Islam Karimov str., Tashkent, 100174. tel. (71) 239-28-72, (71) 239-28-72, fax: (71) 239-28-72, e-mail: tseu@tseu.uz

The abstract of the dissertation was distributed "___" _____ 2023 at ___ : ____ .
(Registry minutes by number _____ "___" _____ 2023)

S.K.Hudoykulov
Chairman of the Academic Council for Awarding Academic Degrees, Doctor of Economics, Professor

B.D.Khadjiev
Scientific Secretary of the Academic Council for Awarding Academic Degrees, Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

N.M.Makhmudov
Chairman of the scientific seminar at the Academic Council for awarding Academic Degrees, Doctor of Economics, Professor

илмий манбаларда импорт ўрнини босишнинг учта тури ажратиб кўрсатилади:

кейинчалик маҳсулот ва хизматларни мамлакат ичида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида технологик ускуналар импорти ўрнини босиш;

маҳсулотлар, хизматлар ишлаб чиқариш учун хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар импорти ўрнини босиш;

ишлаб чиқаришнинг ички бозорда рақобатбардош бўлмаган тайёр маҳсулотлар импорти ўрнини босиши²⁰.

Импорт ўрнини босувчи иқтисодий категория - бу халқаро меҳнат таксимотининг ривожланиши қонунлари ва рақобатбардошлик ҳамда иқтисодий самарадорлик тамойилларига мувофиқ, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва таркибий ўзгартириш мақсадида импорт қилинадиган товарларнинг ўрнини босишга қаратилган иқтисодий муносабатлар тизимидир.

1-жадвал.

Импорт ўрнини босишнинг белгилар бўйича таснифланиши²¹

Белгилари	Таснифланиши		
	Макро	Мезо	Микро
Амалга ошириш даражаси бўйича	Макро	Мезо	Микро
Стратегияларнинг қайси бозорга йўналтирилганлиги бўйича	Ички	Ташқи	Аралаш
Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришнинг қайси база асосида ташкил этилиши бўйича	Мавжуд ишлаб чиқариш	Янги ташкил этилган	Аралаш
Импорт ўрнини босиш объектлари бўйича	Маҳсулот (хизмат, иш)	Ускуналар ва технологиялар	Хомашё ва бутловчи қисмлар
Амалга ошириш йўналиши бўйича	Инвестиция талабига		Истеъмол талабига
Моделлари бўйича	Маҳаллий иқтисодий субъектларнинг ўз ресурс ва технологиялари асосида		Кўшма корхоналарда импорт қилинувчи технологиялар асосида

Муаллифнинг фикрича, импорт ўрнини босиш, биринчи навбатда, импорт қилинадиган товарларни маҳаллий ўхшаш товарлар билан алмаштириш асносида уларни ички бозордан сиқиб чиқариши, мазкур мақсадларга эришилгандан сўнггина, ташқи сотиш бозорларига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқача айтганда, импорт ўрнини босишни муваффақиятли амалга ошириш асносида, аста-секинлик билан экспортга йўналтирилган ривожланиш турига ўтиш мумкин. Импорт ўрнини босиш ва давлатнинг протекционистик сиёсатини аниқроқ тушуниш ва фарқлаш учун, импорт ўрнини босишнинг асосий иқтисодий белгиларини ажратиб олиш лозим. Мазкур белгилар сирасига импорт ўрнини босишнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий самарадорлигини киритишимиз мумкин.

²⁰ Бадалова А.Г. Риски импортозамещения: виды, проблемы оценки и особенности управления // Имущественные отношения в РФ. 2017. №7 (190). С. 47.

²¹ Муаллиф ишланмаси.

Муаллиф томонидан импорт ўрнини босиш категорияси: амалга ошириш даражаси, стратегиялар, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш базаси, импорт ўрнини босиш объектлари, амалга ошириш йўналиши ва моделлари бўйича таснифланган (1-жадвал).

Юқорида тилга олиб ўтилган белгилар импорт ўрнини босиш ва протекционистик сиёсат ўртасидаги учта муҳим фарқни аниқлашга имкон беради.

2-жадвал.

Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш моделлари²²

Моделлар	Фаолият кўрсатиш тамойиллари		Миллий иқтисодийёт учун аҳамияти
	Экспортга	Импортга	
А.Смитнинг мутлоқ устунлик назарияси модели	Мамлакат ишлаб чиқариш (ИЧ ²³)га ихтисослашган айрим юқори сифатли ва арзон маҳсулот турлари	Мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот турлари	Ихтисослашувнинг чуқурлашуви ҳисобига ИЧ самарадорлигини ошириш
Д.Рикарднинг “таққосланма устунлик” назарияси модели	Паст капитал ва меҳнат харажатлари ҳисобига ИЧ бошқаларга нисбатан таққосланма устун бўлган маҳсулот турлари	ИЧда бошқа мамлакатлар устунлик қилувчи маҳсулот турлари	Меҳнат тақсмоти тамойиллари чуқур ихтисослашувга имкон беради
Хекшер-Олиннинг омиллар нисбати модели	Ортиқча ИЧ омилларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш маҳсулот турлари	Мамлакатда ИЧ даражаси танқис бўлган ИЧ омилларидан тайёрланган маҳсулот турлари	Мамлакатнинг мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, тадбиркорлик, тармоқларни мақбуллаштириш даражаси билан белгиланади
Янги омилли моделлар	Паст меҳнат харажатлари билан ишлаб чиқарилган юқори технологияли маҳсулот турлари	Иқтисодийётнинг технологик тараққиётга хизмат қилувчи меҳнат сифимли маҳсулот турлари	ИЧ самарадорлигининг ўсиши технологик тараққиёт билан боғланади (таълим ва касбий тайёргарликка инвестицияларнинг зарурлиги асосланади)
Р.Вернон, Ч.Киндлебергер, Л.Уэлсларнинг “маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли” назарияси модели	Жаҳон бозорида ИЧ чекланган ва истеъмолчи мамлакатларнинг ривожланишига туртки берувчи омил сифатида хизмат қилувчи мутлақо янги маҳсулот турлари	Экспорт маҳсулотларига ўхшаш, лекин улардан бир мунча арзон бўлган маҳсулот турлари	Мамлакатнинг техник-технологик салоҳиятини жадал ривожлантириш, жараёнлар инновациясини тезкор ўзлаштириш ва маҳсулотларнинг мутлақо янги турларини ишлаб чиқаришга ўтиш
М.Портернинг “рақобат устунлиги” назарияси модели	ИЧ учун барча омиллар мавжуд бўлган маҳсулот турлари	Ички бозорга рақобатбардошликнинг ривожига олиб келувчи маҳсулот турлари	Миллий иқтисодийётнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи энг асосий омиллар гуруҳини аниқлаштириш ва уларни ривожлантириш имконини беради

TOSHBOEV BEKZOD BAKHTIYOROVICH

IMPROVING THE THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE DEVELOPMENT OF IMPORT-SUBSTITUTING PRODUCTION IN UZBEKISTAN

08.00.01 – Theory of economics

ABSTRACT
dissertations of the Doctor of Philosophy (PhD) in economic sciences

Биринчидан, агар протекционистик чора-тадбирлар давлат томонидан устун равишда ўз манфаатлари доирасида амалга оширилса, у ҳолда импорт ўрнини босиш мамлакат ичкарасида ўхшаш товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва импортни босқичма-босқич қисқартириш, бутун халқаро

²² Муаллиф ишланмаси.

²³ ИЧ-ишлаб чиқариш сўзининг қисқартмаси, фақат 2-жадвалга тегишли.

8. Необходимо настойчиво позитивно решать такие вопросы, как обеспечение независимости логистики, таможи, судов, оптимизация полномочий силовых систем, которые являются серьезным препятствием для создания необходимых условий для локализации промышленности в Республике Узбекистан.

9. В вопросе использования факторов производства для стимулирования локализации и повышения их эффективности на основе анализа количественных характеристик факторов производства можно сделать вывод не о недостаточности факторов производства для Республики Узбекистан, а об их рациональном использовании и распределении по отраслям.

10. Как важное условие эффективной модернизации национальной экономики необходимы специалисты, способные соответствовать мировым стандартам. Поэтому человеческий капитал должен опираться на повышение качества, развитие фундаментальной науки, улучшение качества человеческих ресурсов, создание благоприятной среды для технологических инноваций и привлечения иностранной техники и технологий.

муносабатлар тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган давлатнинг қўллаб-қувватлашига асосланган ёки унингсиз ҳам мустақил жараён сифатида амалда бўлувчи объектив-шартли тизимли тавсифга эга бўлади.

Иккинчидан, босқичма-босқич импортни ўрнини босишни амалга ошириш халқаро меҳнат тақсмотини мақбуллаштиришга кўмаклашади, ҳаддан ташқари протекционистик чора-тадбирлар эса, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан яққаланиб қолишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун импорт ўрнини босиш стратегияларини амалга оширишда мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсмотидаги иштирокини протекционистик чора-тадбирлар билан уйғунлаштириш талаб этилади.

Учинчидан, ички бозорлардан импорт маҳсулотларнинг сиқиб чиқарилишидан сўнг, маҳаллий импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришлар ўзининг етарлича рақобатбардошлик ва иқтисодий самарадорлик даражасини намоеъна эта олса, бу ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори истеъмол хусусияти ва жозибадорлиги ҳисобига экспорт ҳажминини кўпайтиришга олиб келади. Бинобарин, ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши халқаро савдода миллий ишлаб чиқарувчиларнинг мавқеини яхшилаш ва мустақамлашга хизмат қилади. Шу сабабли ҳам, импорт ўрнини босиш экспортга йўналтирилган иқтисодий стратегиясига зид келади, деган фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Аксинча, импорт ўрнини босиш босқичма-босқич экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришга ўтишни кўзда тутаяди.

Ўзбекистон шароитида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг мақбул тури ва уни амалга оширишнинг самарали шаклини аниқлаштириш талаб этилади.

Бу борада “...барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади”²⁴-деб таъкидланади.

Муаллифнинг фикрича, импортни мақбуллаштириш, маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва лойиҳа ташаббускори таклифларини ўрганишда ишчи гуруҳ нисбий устунлик даражасини асосий мезонлардан бири сифатида олиши лозим (2-жадвал).

Иқтисодий адабиётларда импорт ўрнини босишнинг тармоқ тавсифига деярли эътибор қаратилмайди, бу борада эълон қилинган илмий ишларнинг аксарият қисмида саноат маҳсулотлари импорти ўрнини босишга урғу берилган. Агар импорт ўрнини босиш саноатда мавжуд бўлса, нега бундай стратегия қишлоқ хўжалиги, хизматлар, қурилиш ва бошқаларда кузатилмаслиги мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Шундан келиб чиқиб, куйидагиларга эътибор қаратилган:

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси./ Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.

ВЫВОДЫ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ

В результате исследований, проведенных в диссертационной работе, были сделаны следующие научные выводы:

1. В нашей стране существует явление, не полностью отвечающее теоретическим положениям о предрасположенности к импорту. Бывают ситуации, когда потребительские товары, которые могут быть произведены на месте, импортируются из соседних стран из-за нехватки производственных мощностей. Такая ситуация может в будущем превратить экономику республики в анклав некачественного и дешевого импорта.

2. Мировой опыт показывает, что при реализации механизмов стимулирования импортозамещающего экономического роста необходимо учитывать зарубежный опыт, не повторять их ошибок и учитывать положительные стороны. Это особенно важно, если реальный сектор экономики пострадал от трансформационного кризиса.

3. Единственным правильным направлением реализации государственной экономической политики и воздействия на экономическую жизнь страны является политика стимулирования импортозамещающего экономического роста, который снижает зависимость от импорта и, таким образом, увеличивает его положительное влияние на всех макроэкономических агентов, то есть даже более крупная стратегия увеличивает размер ВВП; внешнеторговые условия республики способствуют снижению уровня зависимости экономики.

4. Реализация стратегии локализации импорта в условиях недостаточного развития национальной экономики позволяет решить ряд социально-экономических проблем, в частности, снизить безработицу, устранить перегрузку производственных мощностей, рационально использовать природные и экономические ресурсы, улучшить условия торговли, повысить конкурентоспособность национальных производителей.

5. Анализ ситуации использования имеющихся производственных мощностей позволяет обосновать оптимальность первичного импортозамещения, обеспечивающего необходимость импорта производственного оборудования, технологий и комплектующих. В нынешних условиях Узбекистана говорить о полном импортозамещении второго уровня пока рано, развитие этой отрасли в процессе осуществления импортозамещения в отрасли должно быть комплексным.

6. Рассмотрение возможностей импортозамещения Республики Узбекистан в сфере продовольствия, развитие промышленной кооперации субъектов предпринимательства соседних государств, эффективность данного мероприятия объясняется тем, что основная часть продовольствия производится в личных подсобных хозяйствах и мелких дехканских хозяйствах населения.

7. Количественного прироста рабочих мест недостаточно для обеспечения затрат на рабочую силу на основе локализации отрасли, поэтому для расширения масштабов использования трудовых ресурсов в развивающейся отрасли необходима разработка мер по повышению профессиональных качеств трудовых ресурсов и их производительности.

миллий иктисодиётни ривожлантириш стратегияси сифатида импорт ўрнини босиш илгари импорт қилинган товарларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этишни кўзда тутади, бунинг натижасида бундай товарлар импортдан қисман ёхуд тўлиқ воз кечилади;

ички бозордан ўхшаш импорт товарларни сиқиб чиқариш даражаси бўйича қисман ва тўлиқ импорт ўрнини босиш фаркланади;

импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасига кўра, биринчи ва иккинчи даражали импорт ўрнини босишни ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

тармоқ тавсифига кўра импорт ўрнини босиш саноат, қишлоқ хўжалиги ёки комплекс (аралаш) бўлиши мумкин.

3-жадвал.

Мексикада импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш натижалари²⁵

Давр	Босқич	Тадбирлар	Натижа
1940-1954 йиллар	Биринчи босқич	Енгил, озиқ-овқат, кимё, қурилиш материаллари ва металлга ишлов бериш саноатида импорт ўрнини босиш ривожлантирилди	Импорт қилинувчи қисқа муддатли фойдаланишдаги товарлар маҳаллий ўхшаш товарлар билан тезликда алмаштирилди, саноатнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8%ни ташкил этди (Муваффақиятли амалга оширилди)
1955-1970 йиллар	Иккинчи босқич	Ишлаб чиқариш ускуналари ва узок муддатли фойдаланишдаги товарлар саноатини ривожлантиришга киришилди	Узок муддат фойдаланиш таварлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жудаям серхаражат татбирлиги боис мамлакатнинг умумий қарзи 75 миллиард долларга етди ва 1982 йил августда дефолт эълон қилди (Муваффақиятсизликка учради)

Муаллиф томонидан хориж тажрибаси сифатида Мексика ва Бразилия каби Лотин Америкаси мамлакатлари, Осиё китъасидан Хитойнинг импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш тажрибалари ўрганилган. Мексика ҳукуматининг импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсатининг биринчи босқичини муваффақиятли амалга ошириши натижасида, импорт қилинувчи қисқа муддатли фойдаланишдаги товарлар маҳаллий ўхшаш товарлар билан тезликда алмаштирилди. Бу босқичда тармоққа йўналтирилган селектив протекционизм механизмларидан фойдаланилди, яъни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш, хомашё, машина ва ускуналар импортини божхона тўловларидан озод қилиш, яқуний истеъмол учун мўлжалланган импорт товарлари учун бож тўловларини жорий қилиш. Иккинчи босқичда ишлаб чиқариш ускуналари ва узок муддатли

²⁵ Муаллиф ишланмаси.

Как было указано, ε_t выражает различные шоки, влияющие на производство. С помощью этой переменной мы можем генерировать пессимистичные и оптимистичные сценарии прогноза объема производства. В целом прогнозы делались по трем различным сценариям: базисному, оптимистичному, пессимистичному.

Из данных на рисунке -9 мы видим, что по трем различным сценариям промышленное производство, по прогнозам, будет расти до 2026 года. Но, согласно пессимистическому сценарию, темпы роста промышленного производства прогнозируются значительно ниже, чем при базисном сценарии и оптимистичном сценарии. Согласно оптимистичному сценарию, к 2026 году объем промышленного производства достигнет 2051045 млрд сумов. По базисному сценарию прогнозируется, что этот показатель достигнет 1766092 млрд сумов, по пессимистическому-1 427 435 млрд сумов.

фойдаланишдаги товарлар саноатини ривожлантиришга киришилди аммо у муваффақиятсизликка учради (3-жадвал).

Бразилияда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иккала босқичи ҳам муваффақиятли амалга оширилган (4-жадвал), Мексикадан фарқли равишда, мазкур мамлакат силлик протекционистик сиёсат юритиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни эркинлаштириш, миллий иқтисодиётда трансмиллий компанияларнинг иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосида ижобий ютуқларни қўлга киритган (1-расм).

Хитойда эса, иқтисодий ривожланишнинг биринчи босқичида импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсиш нафақат ички бозорни тўлдиришга йўналтирилган қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, балки оғир саноатни яратиш билан ҳам тавсифланади.

4-жадвал.

Бразилияда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш натижалари²⁶

Давр	Босқич	Ўзлаштирилган товарлар	Натижа
1940-1956 йиллар	Биринчи босқич	Қисқа муддатли фойдаланишдаги товарлар, кийим-кечак, поябзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар	Ушбу даврда иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръати ўртача 10 фоизни, қисқа муддатли фойдаланишдаги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йилига ўртача 12,5 фоизга ўсиши кузатилди (Муваффақиятли амалга оширилди)
1956-1961 йиллар	Иккинчи босқич	Ишлаб чиқариш ускуналари ва узок муддатли истеъмол товарлари	Ушбу даврда автомобил йиғиш, кемасозлик, машинасозлик, металлургия, нефтни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Ялпи ички маҳсулотда инвестицияларнинг улуши 1972 йилда 24,5 %гача етди (Муваффақиятли амалга оширилди)


Хитойда импорт ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқаришларини ташкил этишга асосланган иқтисодий ўсишнинг биринчи босқичи билан таққослаганда, иккинчи босқич жуда ҳайратланарли натижаларни берди. Иқтисодий ўсиш суръатлари ошди, ички бозор ривожлана бошлади. Хитой етарлича тўйиб овқатланмайдиган ва бир сўз билан айтганда камбағалликда кун кечирувчи аҳоли сонини кескин қисқартиришга муваффақ бўлди. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, “Хитойда бугунги кунга келиб 850 миллион киши қашшоқлик чегарасидан чиқарилди. Хитойда камбағаллик даражаси 1981 йилда 88 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 0,7 фоизни ташкил этди”²⁷.

²⁶ Муаллиф ишланмаси.

²⁷ Муаллиф томонидан “<https://www.worldbank.org/>” маълумотлари асосида тузилган

Ушбу ижобий ҳолатлар натижасида Хитойнинг ички бозори ривожлана бошлади. Саноат товарларининг янги турлари, биринчи навбатда, узок муддатли фойдаланишдаги товарларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Йигирманчи асрнинг 80-йилларида Хитой ҳукумати импорт ўрнини босиш сиёсатини изчил давом эттирди. Ушбу мақсадлар учун чет эл ускуналари ва технологиялари сотиб олинди, бу эса истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг жадал ўсишини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Лотин Америкаси ва Хитой тажрибаси шундан далолат берадики, давлатнинг ушбу вазиятда тузилмавий ва барқарорлаштириш сиёсати механизмлари ҳаракатларини мувофиқлаштирганлиги боис, маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали импортни босқичма-босқич қисқартириш мақсадига эришилган.



1-расм. Бразилияда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари²⁸

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг тадрижий тараққиёти шуни кўрсатадики, илмий асосланган ва пухта ўйланган ҳолда импорт ўрнини босиш жараёнларини ички бозорни химоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги оқилона протекционистик чора-тадбирлар билан тўлдириш нафақат ижобий иқтисодий натижаларни таъмин этади, халқаро меҳнат тақсимотининг узок муддатли мақсадларига мос келади, балки шу билан бир қаторда, объектив тарзда бутун замонавий жаҳон иқтисодий тизимининг ривожланишига таъсир қилади.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш тенденциялари” деб номланувчи иккинчи бобида Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш масалалари,

²⁸ Муаллиф ишланмаси.

Здесь, y натуральный логарифмированный объем промышленного производства. А ε_t - шоки, прямо и косвенно влияющие на производственный процесс. Используя оценки параметров в модели ARIMA(2,1,0), мы можем выразить эконометрическую модель как:

$$y_t = 0.26097592 + 0.63216986y_{t-1} - 0.3823809y_{t-2} \quad (4)$$

Таблица 7.

Дополнительные результаты статистики Дики-Фуллера(ADF)

Изменяющийся	Статистика теста	Критические параметры теста Дики-Фуллера			р-значение Маккиннона
		1 % ный уровень значимости	5 %ный уровень значимости	10 %ный уровень значимости	
Натуральный логарифмированный объем промышленного производства	-1.006	-3.750	-3.000	-2.630	0.7511.
Разность первого порядка натурального логарифмированного объема промышленного производства	-3.800	-3.750	-3.000	-2.630	0.0029.

Для выполнения прогнозирования мы обозначаем различные удары, не предусмотренные моделью y_t с помощью ε_t и эконометрическая модель для калибровки и прогнозирования будет выглядеть следующим образом:

$$y_t = 0.26097592 + 0.63216986y_{t-1} - 0.3823809y_{t-2} + \varepsilon_t \quad (5)$$




Рисунок 7 Прогнозы объемов промышленного производства на 2022-2026 годы в базисном, пессимистичном и оптимистичном сценариях

Благодаря комплексу мер, принятых в последние годы в республике по развитию производства, расширению ассортимента и ассортимента готовой продукции, а также всесторонней поддержке экспортной деятельности предприятий, уровень конкурентоспособности в производстве текстиля, одежды, кожи и сопутствующих товаров значительно возрос, в результате чего доля экспорта данных предприятий в промышленном производстве Рост с 26.4% до 41.8% в 2021 году. Эти показатели по динамике и ее величине значительно опережают другие виды экономической деятельности в перерабатывающей промышленности (рисунок 8).

Автором разработаны прогнозные показатели развития производства до 2026 года на основе различных сценариев экономического потенциала отраслей экономики Узбекистана в части импортозамещения.

Для прогнозирования конкретного макроэкономического показателя можно использовать различные методы эконометрического моделирования. Эти прогнозы будут зависеть от динамики показателя за прошедший период, а также от его взаимодействия с другими макроэкономическими показателями. В данной части исследования разработаны прогнозные показатели развития производства до 2026 года на основе различных вариантов состояния экономического потенциала отраслей экономики Узбекистана в плане импортозамещения (базисный сценарий, оптимистический сценарий и пессимистический сценарий).

Для разработки показателей развития производства была использована модель ARIMA. Модель ARIMA предполагает разработку статистической модели с учетом изменений данных временных рядов за прошедший период. После разработки эконометрической модели с помощью этой модели можно прогнозировать изменения экономического показателя в последующий период. Чтобы проверить стационарность ваших временных рядов, мы прибегаем к дополнительному тесту Дики-Фуллера. Из данных таблицы-7 видно, что здесь натуральный логарифмированный объем промышленного производства-это ностационарный временной ряд. Потому что значение статистики теста больше критических значений статистики. Дики-Фуллера. Однако различие первого порядка этой переменной является стационарным, поскольку статистика теста меньше критических значений статистики Дики-Фуллера. Поэтому мы отвергаем нулевую гипотезу, утверждающую ностационарность разности первого порядка натурального логарифмированного промышленного объема производства. Следовательно, значение показателя D в модели ARIMA равно одному.

Теперь будем определить соответствующие значения задержки для частей AR и MA модели ARIMA. Для этого мы выберем лучшую модель ARIMA, используя информационные критерии Акиаке и Байеса, из моделей ARIMA, представленных в различных комбинациях. По байесовскому информационному критерию лучшей моделью была выбрана модель ARIMA(2,1,0). Эту модель можно представить как:

$$y_t = \alpha_0 + \alpha_1 y_{t-1} + \alpha_2 y_{t-2} + \varepsilon_t \quad (3)$$

Худудларни барқарор ривожлантиришда импорт ўрнини босиш механизмидан самарали фойдаланиш муаммолари турли усул ва воситалари ёрдамида атрофлича ўрганилган ва иқтисодий ёни юксалтиришда ишлаб чиқариш салоҳиятини ўрни аниқлаштирилган.

Миллий иқтисодийда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни, экспортга йўналтириш билан, соф экспортдаги салбий кўрсаткични яхшилашга эришиш мумкинлиги таъкидланган. Ўзбекистон дунёдаги энг йирик денгиз йўлларида чиқишда камида иккита давлатни кесиб ўтиши керак бўлган давлат (Double-Landlocked Countries) ҳисобланади. Бу эса ҳукумат олдида муқобил логистика йўналишларини излаш, “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой” ва “Термиз-Мозори-Шариф-Қобул-Пешовар” темир йўллари ва нихоят Европа бозорларига чиқувчи “Туркменистон-Озарбайжон-Грузия” Европа мультимодал транспорт коридорлари қурилишини жадаллаштириш, экспорт қилувчи корхоналар олдидаги божхона, логистика ва стандартлаштириш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш кераклигини кўрсатмоқда.

Маҳаллийлаштириш даражасини аниқлашда қуйидаги формулани қўллаш мақсадга мувофиқ, яъни:

$$МД = (1 - \frac{ИМ}{МТ}) * 100\%, \quad (1)$$

Бунда: 0 < ИМ < МТ;

МД - маҳаллийлаштириш даражаси;

ИМ - импорт бўладиган хомашё, материал ва бутловчи қисмларнинг хорижий валютадаги қиймати (божхона тўловларини ҳисобга олган ҳолда) сўмда ҳисобланади;

МТ - Бир ўлчов бирлигидаги маҳсулот таннари. (Импортга олиб келинган хомашёлар маҳаллий етказиб берувчилардан сотиб олинганда маҳаллий хомашё сифатида кўрсатилмайди).

5-жадвал.

Ўзбекистонда 2019-2021 йиллар ва 2022 йилнинг 9 ойи учун юқори коэффициентли товар концентрацияси билан импорт қилинган товарлар (млн.доллар)²⁹

№	Товарлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 йилнинг 9 ойи
1	Симли ва симсиз аппаратлар	270	376,2	564,2	567,7
2	Енгил автомобиллар (8702 группасидан ташқари), фургонлар ва тезюрар автомобиллар	553	498,0	640,1	675,8
3	Моторли транспорт воситаларининг қисмлари ва анжомлари	943	977,6	1 065,5	978,1

Ишлаб чиқариш ва технологик занжирларда импорт ўрнини босишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш моделини тузишнинг концептуал асоси тизимли ёндашув бўлиб, унга кўра ушбу баҳолаш импорт ўрнини босиш лойиҳаларини амалга оширишнинг асосий жиҳатларини бирлаштиришга

²⁹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

имкон берадиган таъсир ва хатар қийматларининг интеграл кўрсаткичларига асосланади.

Импорт ўрнини босиш самарасининг интеграл кўрсаткичи куйидаги формула билан аниқланади:

$$imp = \sum Si * Yi \quad (2)$$

Бу ерда: Si - ҳар бир импорт ўрнини босиш (иктисодий, ижтимоий, экологик) самарасининг агрегатлашган қиймати; Yi - ҳар бир самара типининг улуш қиймати.


Ўзбекистонда 2019-2021 йиллар ва 2022 йилнинг тўққиз ойи учун юқори коэффициентли товар концентрацияси билан импорт қилинган товарлар таҳлил қилинганда (5-жадвал), 2022 йил тўққиз ойлик якуни бўйича, моторли транспорт воситаларининг қисмлари ва анжомлари импорти 978.1 млн. доллар, енгил автомобиллар импорти 675.8 млн. доллар, симли ва симсиз аппаратлар импорти эса 567.7 млн. долларни ташкил қилган.

6-жадвал.

Ўзбекистонда 2019-2021 йиллар ва 2022 йилнинг 9 ойи учун юқори коэффициентли товар концентрацияси билан экспорт қилинган товарлар (млн.доллар³⁰)

№	Товарлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й 9 ойи
1	Нефть газлари ва газсимон бошқа углеводородлар	2261	487,6	720,4	784
2	Чакана савдода сотиш учун кадокланмаган, таркибида 85 %дан ошқ пахта толаси бўлган ип калаваси (тикув ипларидан ташқари)	925	935,4	1604,6	1142
3	смартфонлар ва бошқа телефон аппаратлари	0	28,3	98,5	260,1

Худди шу кўрсаткичнинг, экспортга тегишли кўрсаткичларида газсимон углеводородлар 784 млн. доллар, чакана савдода сотиш учун кадокланмаган, таркибида 85 %дан кўп пахта толасини ўз ичига олган, пахтали ип калаваси (тикув ипларидан ташқари) 1142 млн. доллар, смартфонлар ва бошқа телефон аппаратлари 260.1 млн. долларни ташкил этган (6-жадвал).



2-расм. Ўзбекистон Республикасининг йиллик ташқи савдоси³¹ (млн. АҚШ доллари)

Все большую актуальность приобретают вопросы, связанные с глубокой переработкой сырья и эффективным использованием ресурсосберегающих технологий. Постоянное продолжение проблемы высокой степени износа машин и оборудования не осталось без своего влияния на производительность труда. Сложная ситуация с развитием производства усугубляется такими проблемами, как низкий уровень межотраслевой кооперации, высокие затраты на выход на зарубежные рынки, неразвитость логистической инфраструктуры. По данным Всемирного банка, в 2019 году в производственных отраслях Узбекистана на счету 1 работающего сотрудника было произведено 4730 долларов США добавленной стоимости (Рисунок 5).

Уровень переработки сырья в Узбекистане остается низким. Если в республике перерабатывается всего 25 % добываемой меди, то 80 % цинка, 88 % шелка, 60 % кожевенного сырья экспортируются в необработанном виде, что свидетельствует о наличии в Узбекистане новых резервов и источников развития производства.

Совершенствование институциональной системы устойчивого развития производства в Узбекистане, перебои с поставками газа и электроэнергии производителям, высокая стоимость горюче-смазочных материалов, трудности с получением кредитов в банках, высокие процентные ставки по кредитам и налоги, отсутствие необходимых финансовых ресурсов, и другие проблемы, негативно сказываются на конкурентоспособности выпускаемой продукции. С учетом выше изложенного, предложение о стимулировании импортозамещающего производства через систему дифференцированной гарантии в размере 50-75 процентов при кредитовании деятельности предприятий в соответствии со степенью достижения высоких положительных значений данного показателя на основе установления оптимальных уровней чистого экспорта в деятельности субъектов малого предпринимательства в регионах обосновано (рисунок 7).

На основании приведенных расчетов сделаны соответствующие выводы о важности построения социально-экономических механизмов реализации политики, направленной на развитие импортозамещающих производств на новых технологических базах.

Первостепенный фактор развития национальной экономики и обеспечения благосостояния населения страны напрямую связан с социально-экономическим потенциалом и эффективным использованием регионов страны. Ведь само по себе высказывание мнения о развитии национальной экономики и обеспечении ее конкурентоспособности без достижения на территориях показателей устойчивого развития является неэффективным с логической точки зрения. Поэтому в нынешний развивающийся период и на фоне глубоких реформ как никогда актуален детальный анализ социально-экономического развития регионов нашей республики для принятия важных и рациональных экономических решений.

³⁰ Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

и относительно недорогого сырья, комплектующих и других вспомогательных материалов, необходима реализация комплекса мер по следующим приоритетным направлениям. (рис 5).

Совершенствование организационных структур и повышение эффективности управления производственными предприятиями, углубление процессов модернизации и технологического обновления производства, снижение издержек производства, энергоёмкости производства и себестоимости продукции, повышение качества выпускаемой продукции и обеспечение ее соответствия международным стандартам, снятие ограничений внутренней инфраструктуры, являются важным направлением.

Правительство страны осознало, что экспортно-сырьевая модель развития производства постепенно теряет свой потенциал и может поставить под угрозу устойчивое и сбалансированное развитие экономики и страны в целом.




Рисунок 6 Система гарантирования местными органами власти кредитных ресурсов, получаемых для развития производства³²

Юкоридаги таҳлиллар асосида муайян тармоқдаги импорт ўрнини босувчи лойиҳани амалга оширишнинг муҳимлик даражасини саноат тармоқлари учун ишлаб чиқаришдаги талабнинг мунтазамлиги (ТМ=0,09), хомашё ресурслари мавжудлиги (ХР=0,17), четдан импорт қилинадиган товарларга боғлиқлик даражаси (ИБ=0,13) ва ҳажми (ИХ=0,15), зарур инфратузилма мавжудлиги (ИМ=0,21) ҳамда иқтисодий тармоқларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотга талаб даражаси (ТД=0,25)нинг тегишли кийматлари орқали аниқлаш таклифи асосланган.

Тадиққот иши давомида амалга оширилган таҳлиллар Ўзбекистон Республикасининг йиллик ташқи савдосида импортнинг улуши кескин ортаётганлигини кўрсатади (2-расм). Бу импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражасини жадаллаштириш зарурлигини кун тартибига қўймоқда. 2000 йилда импортнинг экспортга нисбати 90 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 153 фоизга кўтарилган, 2021 йилда эса бир долларлик экспорт миқдорига қарийб бир ярим долларлик маҳсулот импорти тўғри келганлиги кўрсатилган.



3-расм. Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор давлатлар бўйича товар ва хизматлар импорти³² (жами импортга нисбатан фоизларда)

Таҳлилларга кўра, 2021 йилда Ўзбекистон жами импорт қилинаётган товарлар ва хизматларнинг 66 фоизга яқини, Хитой, Қозоғистон, Жанубий Корея, Россия ва Туркияга тўғри келади (3-расм). Ўзбекистоннинг Евро-Осиё иқтисодий иттифоқи ва (ёки) Жаҳон савдо ташкилоти каби тузилмаларга аъзо сифатида қўшилиши, миллий иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни бозор механизмлари асосида ривожланишига сабаб бўлади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида янги технологик асосда ишлаб чиқариш қувватларини технологик қайта жиҳозлаш механизми юқори энергия ва хомашё сиғимли маҳсулотларни когнитив маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирлаштиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, когнитив мазмунга эга бўлган стратегик лойиҳаларда қўшилган кийматни жамлашга асосланган бўлиши лозим.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган

³² Разработка автора

³¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³² Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

учинчи бобида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ўсишини таъминлашнинг янги манбалари ва захиралари, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришнинг институционал тизимини такомиллаштириш, иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикасида импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсиш модели каби масалалар атрофлича ўрганилган ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида асосий тармоқларни аниқлаш ва фасилитациялаш усулидан фойдаланилади. Ушбу ёндашувнинг асосий мазмуни шундан иборатки, ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсати муваффақиятсизликка юз тугган мамлакатларда ҳукуматлар ушбу мамлакатларнинг мавжуд қиёсий афзалликларига зид бўлган тармоқларни ривожлантиришга таяниб иш кўрганлар. Бошқача қилиб айтганда, улар ушбу мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари, хусусан капитал ва меҳнат билан қиёсий таъминланишини акс эттирмаган товарлар ишлаб чиқаришни рағбатлантирганлар.



4-расм. Импорт ўрнини босувчи корхоналар рақобатбардошлигини ошириш механизми³³

³³ Муаллиф ишланмаси.

Подчеркивается целесообразность развития импортозамещающего производства, если оно осуществляется в отраслях, имеющих четкую направленность, пропорциональную имеющимся сравнительным преимуществам стран. Анализ показывает, что резерв использования мощностей, не требующих больших инвестиционных затрат, присутствует в машиностроении, в основном в автомобильной промышленности, а также в ряде текстильных и пищевых производств. В свою очередь, в целях эффективного использования имеющихся производственных мощностей требуется укрепление минерально-сырьевой базы со значительным потенциалом и запасами роста.

Есть также большие возможности для повышения производительности труда, которые еще не реализованы. Согласно анализу, производительность труда в промышленности Узбекистана в 4 раза ниже, чем в таких быстрорастущих странах, как Китай, Индия, Бразилия. Например, в легкой промышленности производительность труда при прядильно-ткацком производстве на предприятиях с новым технологическим оборудованием в 1,6 раза выше, чем на предприятиях с устаревшим оборудованием, и почти в 3 раза выше, чем на трикотажных предприятиях.




Рисунок 5. Валовая добавленная стоимость, произведенная на одного рабочего в странах СНГ (тыс. долл.)

В исследовании отмечается, что для решения вышеуказанных задач, повышения конкурентоспособности деятельности крупных импортозамещающих производственных предприятий путем организации специализированных производственных коопераций, основанных на поставках мелкими отечественными производителями высококачественного

отражали сравнительную обеспеченность этих стран факторами производства, особенно капиталом и рабочей силой.

Ученые Центра экономических исследований недавно использовали этот метод для определения приоритетных товаров и отраслей, имеющих сравнительное преимущество, и анализа экспортной корзины страны в динамике. Согласно анализу, Узбекистан имеет такое преимущество в производстве сельскохозяйственной продукции, сырья, текстиля и других отраслей с низким уровнем производительности, что производство товаров с низким уровнем сложности с учетом имеющегося потенциала страны в настоящее время можно оценить как перспективные отрасли промышленного развития.




Рисунок 4. Механизм повышения конкурентоспособности импортозамещающих предприятий³¹

³¹ Разработка автора

Ўзбекистон кишлок хўжалиги маҳсулотлари, хомашё, тўқимачилик ва бошқа маҳсулдорлик даражаси паст бўлган тармоқларни ривожлантиришда нисбий устунликка эга, мураккаблик даражаси паст бўлган товарлар ишлаб чиқариш мамлакатнинг мавжуд салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги кунда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболли соҳалари сифатида баҳолаш мумкин. Муаллифнинг фикрича, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишлари аниқ мақсадга йўналтирилган, мамлакатнинг мавжуд киёсий афзалликларига мутаносиб тармоқларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, йирик инвестиция харажатларини талаб қилмайдиган қувватлардан фойдаланиш захираси машинасозликда, автомобил саноатида, шунингдек, бир қатор тўқимачилик саноати ва озиқ-овқат саноатида мавжуд. Ўз навбатида, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида салмоқли салоҳият ва ўсиш захираларига эга бўлган минерал - хомашё базасини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш борасида ҳам ҳали ишга солинмаган катта имкониятлар мавжуд. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон саноатида меҳнат унумдорлиги Хитой, Ҳиндистон, Бразилия каби тез ривожланаётган мамлакатларга нисбатан 4 баробар паст³⁴. Масалан, енгил саноатда, янги технологик асбоб-ускуналарга эга корхоналарда йиғириш ва тўқиш ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги эскириб қолган асбоб-ускуналарга эга корхоналарга нисбатан 1,6 баробар, трикотаж корхоналарига қараганда эса қарийб 3 баробар кўпдир.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш, юқори сифатли ва нисбатан арзон хомашё, бутловчи қисмлар ва бошқа ёрдамчи материалларнинг кичик маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилишига асосланган ихтисослашган саноат кооперацияларини ташкил этиш орқали импорт ўрнини босувчи йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг рақобатбардошлигини ошириш таклифи ишлаб чиқилган (4-расм).


Муаллифнинг фикрича, ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқаришнинг энергия сиғими ва маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва уларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш, ички инфратузилма чекловларини олиб ташлаш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Мамлакат ҳукумати ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг экспорт-хомашё модели аста-секин ўз салоҳиятини йўқотаётганини ва у иқтисодиёт ва умуман мамлакатнинг барқарор ҳамда мувозанатли ривожланишига хавф туғдириши мумкинлигини тушуниб етди.

³⁴ Муаллиф томонидан "https://www.unido.org/" маълумотлари асосида тузилган

Хомашёни чукур қайта ишлаш ва ресурс тежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Машина ва ускуналарнинг юқори даражадаги эскириши муаммосининг муттасил давом этиши, меҳнат унумдорлигига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасидаги мураккаб вазият тармоқлараро кооперация даражасининг пастлиги, ташқи бозорларга чиқиш харажатларининг юқорилиги, логистика инфратузилмасининг ривожланмаганлиги каби муаммолар туфайли янада чигаллашади.

Тахлилларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистон ишлаб чиқариш тармоқларида ишловчи бир ходим ҳисобига 4730 АҚШ доллари миқдорига қўшилган қиймат ишлаб чиқарган (5-расм).



5-расм. МДХ мамлакатларида бир ишчига тўғри келувчи ишлаб чиқаришнинг ялпи қўшилган қиймати³⁵, минг АҚШ доллари

Ўзбекистонда хомашёни қайта ишлаш даражаси пастлигича қолмоқда. Қазиб олинаётган миснинг 25 фоизи республикада қайта ишланаётган бўлса, рухнинг 80 фоизи, ипакнинг 88 фоизи, хом чармнинг 60 фоизи қайта ишланмаган шаклда экспорт қилинаётгани Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги заҳиралари ва манбалари мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришнинг институционал тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқарувчилар учун газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар, ёқилғи-мойлаш материалларининг қимматлиги, банкларда кредит олишдаги қийинчиликлар, кредит фоиз ставкалари ва солиқларнинг юқорилиги, зарур молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, стандартларини жорий қилиш асосида маҳсулот сифатини етарли даражада назорат қилиш имконининг пастлиги каби масалалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

³⁵ Муаллиф томонидан “<https://www.unido.org/>” маълумотлари асосида тузилган

экономический союз и (или) Всемирной торговой организации влечет за собой формирование импортозамещающей промышленной политики в национальной экономике на основе рыночных механизмов.




Рисунок 3. Импорт товаров и услуг Республики Узбекистан с основными государствами-партнерами³⁰ (в процентах от общего импорта)

Механизм технологического перевооружения производственных мощностей на новой технологической основе в процессе развития производства должен основываться на концентрации добавленной стоимости в стратегических проектах с когнитивным содержанием с учетом приоритетных направлений сочетания высокоэнергетической и сырьевой продукции с производством когнитивной продукции.

В третьей главе диссертации “**Приоритетные направления развития импортозамещающего производства в Узбекистане**” подробно рассмотрены такие вопросы, как новые источники и резервы обеспечения роста производства в Узбекистане, совершенствование институциональной системы устойчивого развития производства в Узбекистане, модель импортозамещающего экономического роста в Республике Узбекистан на современном этапе экономического развития, разработаны практические предложения и рекомендации.

В исследовании делается акцент на следующем опыте развивающихся стран мира. Они предлагает способ выявления и определения ключевых секторов с помощью фасилитации, способствующей экономическому росту в развивающихся странах. Основное содержание этого подхода состоит в том, что в странах, где политика развития производства потерпела неудачу, правительства действовали, полагаясь на развитие отраслей, что противоречит существующим сравнительным преимуществам этих стран. Другими словами, они стимулировали производство товаров, которые не

³⁰ Разработка автора на основании данных Государственного комитета статистики Республики Узбекистан

девять месяцев 2022 года (таблица 5), по итогам девяти месяцев 2022 года запчасти и оборудование для автотранспортных средств составили 978,1 млн. долларов, легковые автомобили-675,8 млн. долларов, проводные и беспроводные аппараты 567,7 млн долларов.

В тех же показателях, относящихся к экспорту, газообразные углеводороды, не упакованные для розничной продажи, составили 784 млн долларов, не упакованные для розничной продажи, содержащие 85% или более хлопкового волокна, пряжа из хлопчатобумажной пряжи (кроме швейных нитей) - 1142 млн долларов, смартфоны и другие телефонные аппараты-260,1 млн долларов (таблица 6). На основе вышеизложенного анализа было выдвинуто предложение об определении уровня значимости реализации импортозамещающего проекта в конкретной отрасли через регулярность спроса на продукцию для отраслей (РС=0,09), наличием сырьевых ресурсов (СР=0,17), степенью зависимости от импортируемых товаров (ИЗ=0,13) и объемом (ОИ=0,15), наличием необходимой инфраструктуры (НИ=0,21), а также в основе предложения лежит определение импортозамещающего продукта в отраслях экономики через соответствующие значения уровня спроса (УС=0,25) на импортозамещающую продукцию в отраслях экономики.





Рисунок 2. Годовая внешняя торговля Республики Узбекистан²⁹
(млн. долларов США)

В исследовательской работе анализируется резкое увеличение доли импорта в годовой внешней торговле Республики Узбекистан (Рисунок 2). Это ставит на повестку дня необходимость ускорения темпов развития импортозамещающего производства. В 2000 году отношение импорта к экспорту составляло 90 процентов, а в 2021 году-153 процента, что указывает на то, что в 2021 году на один доллар экспорта приходилось более полутора доллара импорта. Анализы показывают, что в 2021 году Узбекистан будет поставлять около 66% от общего объема импортируемых товаров и услуг из Китая, Казахстана, Южной Кореи, России и Турции (Рисунок 3). Присоединение Узбекистана к таким структурам, как Евразийский

²⁹ Разработка автора на основании данных Государственного комитета статистики Республики Узбекистан
48

Юкоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудуддаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги соф экспортнинг мақбул даражасини белгилаш асосида мазкур кўрсаткичларнинг юқори ижобий қиймати эришиш даражасига кўра корхоналар фаолиятини кредитлашда маҳаллий ҳокимият томонидан 50-75 фоиз миқдоридаги табақалашган кафолатлаш тизими орқали импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни рағбатлантириш таклифи асосланган (6-расм).

Миллий иқтисодиёт тараққий топиши ва мамлакат аҳолиси фаровонлигини таъминлашнинг энг бирламчи омили, мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Зеро, ҳудудларда барқарор ривожланиш кўрсаткичларига эришмасдан туриб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳақида фикр билдиришнинг ўзи мантикий нуқтаи назардан самарасиз бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, ҳозирги ривожланаётган даврда ва чуқур ислохотлар фониди республикамиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини атрофлича таҳлил қилиш муҳим ва оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилишда ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда.



6-расм. Ишлаб чиқаришга олинаётган кредитни маҳаллий ҳокимиятлар томонидан кафолатлаш тизими³⁶

³⁶ Муаллиф ишланмаси.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар тури ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, корхоналарнинг экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида Республикада сўнги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар мажмуи туфайли тўқимачилик, кийим-кечак, чарм ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ракобатбардошлик даражаси сезиларли даражада ошган, бунинг натижасида саноат ишлаб чиқаришда мазкур корхоналарнинг экспорт улуши ҳам кўпайган.

Муаллиф томонидан Ўзбекистон иқтисодиётида тармоқларнинг импорт ўрнини босиш жиҳатдан иқтисодий салоҳиятининг турлича вариантлари асосида саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Маълум бир макроиқтисодий кўрсаткични прогноз қилиш учун турли хил эконометрик моделлаштириш усуллардан фойдаланиш мумкин. Ушбу прогнозлар кўрсаткичнинг ўтган даврдаги динамикасига ҳамда бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар билан ўзаро таъсирга боғлиқ бўлади. Тадқиқотнинг ушбу қисмида Ўзбекистон иқтисодиётидаги тармоқларнинг импорт ўрнини босиш жиҳатдан иқтисодий салоҳиятининг турли ҳолат вариантлари (базисли, оптимистик, пессимистик) асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун ARIMA моделдан фойдаланилган. ARIMA модели вақтли қатор маълумотлари сифатида саноат ишлаб чиқаришнинг 2000-2021 йиллардаги даврдаги ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, 22 та вақтли қатордан, статистик модель ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларини эконометрик модел ёрдамида прогноз қилиш учун Ўзбекистон Республикаси саноат ишлаб чиқариш ҳажми маълумотларидан фойдаланилган. ARIMA моделини ишлаб чиқишда биринчи қадам бу вақтли қатор маълумотларининг стационарлигини таҳлил қилишдан иборат.

Эконометрик моделлаштириш учун саноат ишлаб чиқариш ҳажмини логарифмик трансформация қилинган. Чунки, ушбу ўзгарувчининг қийматлари қаралаётган даврда сезиларли даражада ўзгариб борган, ўзгарувчини натурал логарифмлаш орқали умумий ўзгарувчанлик камайтирилади.

Вақтли қаторларнинг стационарлигини текшириш учун кўшимча Дикей-Фуллер тестига мурожаат қилинган (7-жадвал). Маълумотлардан кўринадики, натурал логарифмланган саноат ишлаб чиқариш ҳажми ностационар вақтли қатор бўлган, чунки ушбу ҳолатда тест статистикаси қиймати Дикей-Фуллер статистикаси критик қийматларидан катта. Ушбу ўзгарувчининг биринчи даражали фарқи эса стационар, чунки тест статистикаси Дикей-Фуллер статистикаси критик қийматларидан кичик.

